

А Ж Р И М

2023 йил сентябрь ойининг 11 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди, Бектемир туман “Нурафшон” МФЙ биносида, сайёр очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси Э.Шамсутдинованинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Орзиевнинг котиблигида, томонлардан Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Шомирзаев, гумон қилинувчи З.Азизов ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Мирсагатова, жабрланувчи М.Азизованинг иштирокида,

Азизов Зойиржон Шухратжонович (Azizov Zoyirjon Shuxratjonovich), 11.01.1991 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, муқаддам судланмаган, Тошкент қуюн механика заводида ишчи, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани “Нурафшон” МФЙ, Парлоқ кўчаси, 4 уйда истиқомат қилувчи,

1-1010-2301/381-сонли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчига оид суд томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини судга юбориш тўғрисидаги қарори билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, З.Азизов 06.07.2023 йил куни турмуш ўртоғи Азизова Марҳабо Набижон қизи билан яшаш манзилида ўзаро келишмовчилик оқибатида жанжаллашиб, М.Азизовани бош ўнг юз қисмига урган.

Суд-тиббий экспертизасининг 17.07.2023 йилдаги 660-Ли-сонли хулосасига кўра, М.Азизовада “ўнг кўз олмасининг чайқалиши, ўнг тарафдаги зигоматик ва параорбитал соҳа юмшоқ тўқималарининг кўқариши” каби белгилар билан 6 кундан кўп аммо 21 кундан ошмайдиган соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келадиган энгил тан жароҳат аниқланган.

Дастлабки терговда гумонланувчи З.Азизов ва жабрланувчи М.Азизова ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўраган.

Бектемир туман ИИО ФМБ Тергов бўлими терговчисининг қарорига кўра, гумонланувчи З.Азизовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Суд мажлисида гумон қилинувчи З.Азизов ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги,



қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда у билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи М.Азизова ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, турмуш ўртоғи З.Азизовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, у билан ярашишганликларини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд гумон қилинувчи З.Азизов ва жабрланувчи М.Азизованинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси ва адвокатининг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи З.Азизовнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, З.Азизовга нисбатан юритилаётган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим деб топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи М.Азизовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчи Азизов Зойиржон Шухратжонович (Azizov Zoyirjon Shuxratjonovich)га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи М.Азизовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки протест билдириш мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Э.Шамсутдинова

-аслига тўғри-

